O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
Majburiy bepul nusxa
INV.N

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 30 декабрь, № 251 (5166) • Пайшанба

# ЎЗБЕКИСТОНДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

***Париж шаҳрида жойлашган Франция География жамиятида Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳамда долзарб минтақавий муаммоларга бағишланган анжуман ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонаси ва Франция География жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.***

Анжуманда Франциянинг ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, эксперт-таҳлилий доиралари, илмий тадқиқот марказлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, ушбу мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик корпуслар, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Тадбир қатнашчиларига Президент Ислом Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” ҳамда “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир” номли маърузаларининг асосий мазмун-моҳияти, Ўзбекистонда сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий тармоқларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, мазкур соҳаларда эришилган муайян ютуқлар, шунингдек, республикамизни янада ривожлантириш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган устувор вазифалар хусусида батафсил маълумот берилди.

Хусусан, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш мақсадида танланган тараққиёт модели, Ўзбекистоннинг барқарорлиги ва равнақини таъминлайдиган ҳамда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг мустаҳкам асоси бўлган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг афғон муаммосини бартараф этишга доир, хусусан, БМТ шафелигида Афғонистон бўйича “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил этиш, шу йилнинг июнь ойида Қирғизистон жанубида содир этилган фожиали воқеаларга нисбатан берилган баҳолар, Орол денгизи ҳавзасида юзага келган экологик ва гуманитар инқироз, Марказий Осиёнинг сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги ташаббуслари билан таништирилди.

**Франциянинг Шарқ тиллари ва цивилизациялар миллий институти профессори Катрин Пужоль хоним** ўз маърузасида Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ўтган тарихан қисқа давр ичида барча соҳаларда салмоқли натижаларга эришганини таъкидлади.

**Дунё нигоҳи**

“Ўзбекистон ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини танлаб олиб, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини янгилади, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштирди, хорижий сармояларни жалб этиш, шунингдек, ўзининг халқаро муносабатлардаги позицияларини шакллантириш бўйича оқилона чора-тадбирларни амалга оширди”, деди К. Пужоль хоним.

Унинг фикрига кўра, ислоҳотларни тадрижий тарзда амалга ошириш мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги мураккабликларнинг олдини олишга ёрдам берди.

“Эндиликда Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг қадимий ўтмиши ва маданиятини ўзида мужассам этган, шу билан бирга, бугунги қиёфасини белгилайдиган етакчи мамлакатлардан биридир. Денгизга тўғридан-тўғри чиқиш йўлининг мавжуд эмаслиги боис Ўзбекистонга иқтисодий жиҳатдан осон бўлмаганига қарамай, у демографик ва геостратегик нуқтаи назардан минтақада асосий мавқени эгаллайди. Қувонарлиси, қўшни мамлакатларда, айниқса, Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистонда қалтис ҳамда мураккаб вазият сақланиб турганига қарамасдан, Ўзбекистонда тинчлик-барқарорлик ҳукм сурмоқда”, дея қайд этди у.

К. Пужоль хоним Ўзбекистонда нафақат мамлакат ичида, балки бутун Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилиб келинаётганига алоҳида урғу берди. Хусусан, унинг таъкидлашича, “Президент Ислом Каримов 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан анча олдин Афғонистондаги беқарор вазият оқибатида юзага келиши мумкин бўлган террористик таҳдидлар ҳақида халқаро ҳамжамиятни огоҳлантирган эди”.

Экспертнинг фикрига кўра, аҳамиятли жиҳати шундаки, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ташқи сиёсатда, энг аввало, мамлакат миллий манфаатларини устун қўйган ўз йўлига қатъий амал қилди. “Айнан шу туфайли минтақадаги асосий йирик давлатлар — Россия, Хитой ва АҚШ билан тенг ҳуқуқли ҳамда мувозанатлашган муносабатларни ўрнатишга ва тутиб туришга эришилди”, деб ҳисоблайди К. Пужоль хоним.

Унинг қайд этишича, сўнгги йилларда Ўзбекистон раҳбарияти минтақадаги мураккаб экологик вазиятдан, айниқса, қўшни давлатлар — Тожикистон ва Қирғизистоннинг қалтис экологик сиёсат юритаётганидан асосли равишда ташвишланмоқда. К. Пужоль хоним Душанбенинг сейсмик жиҳатдан беқарор ҳудудда улкан Роғун тўғонининг қурилишини амалга оширишни кўзлаётганини ноoқилона қарор ва ақл бовар қилмайдиган ҳол сифатида баҳолади. “Бундай режалар аҳоли ва бутун минтақа экологиясига жиддий хавф солади. Шу боис халқаро ҳамжамият минтақадаги мураккаб вазиятга алоҳида эътибор қаратмоғи, мавжуд муаммоларнинг ечимини топишда ёрдам бермоғи лозим”, дея қайд этди эксперт.

(Давоми 2-бетда).



# ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР ОҒУШИДА

***Кеча пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида “Президент арчаси” байрам тадбирлари бошланди. Шодиёнанинг очилиши тантаналарида Тошкент шаҳридаги барча Меҳрибонлик уйлари, SOS болалар маҳаллалари тарбияланувчилари ҳамда уларнинг устоз ва мураббийлари иштирок этишди.***

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва “Sen yolg`iz emassan” республика болалар жамоатчилик жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбир айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятларида ҳам юксак савияда ташкил этилмоқда. Байрамга атаб болажонлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан ўқув қуроллари, ўйинчоғу ширинликлардан иборат совғалар ҳозирланди.

**Президент арчаси**

Байрамона тадбир юртимизда ҳар бир фарзанд юксак эътибор ва ғамхўрлик оғушида камол топаётганлигининг яна бир ҳаётий ифодасидир. Зеро, бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлоднинг фаровон келажагини таъминлаш, хусусан, ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

— Болаларимизнинг қувончи чексиз, уларнинг хурсандчилигига шерик бўлаётганимиздан биз ҳам бениҳоя шодмиз, — дейди пойтахтимиздаги 31-Меҳрибонлик уйи директори Дилафрўз Жуманова. — Бу мўъжизавий байрам фарзандларимизга шодлик бахш этиши учун юксак шарт-шароитларни яратиб берган Юртбошимизга раҳмат. Ишончимиз комилки, самимий меҳр ва эътиборни ҳис этаётган бу болалар келажакда эзгу хислатлар, етук инсоний фазилатлар соҳиби бўлиб етишадилар.

...Муҳташам арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз билан бирга шўх куй-қўшиқларга рақс тушиб, шеъру ашулалар айтган болажонлар учун “Томоша” болалар шоу гуруҳининг театрлаштирилган байрам дастури намойиш этилди. Она юртга муҳаббат, меҳр-оқибат ва дўстлик ғоялари тараннум этилган “Яхшивойнинг саргузаштлари” номли мазкур эртак-мюзикл кичкинтойларда катта таассурот қолдирди.

— Катта саҳнадаги интеллектуал беллашувда мен ҳам иштирок этдим, — дейди SOS болалар маҳалласи тарбияланувчиси Ирина Усмонова. — Эртак қаҳрамонининг барча саволларига аниқ жавоб бериб, ғолиб бўлдим ва совға олдим. Бунинг учун эса менга доимо “Қизим, китоб ўқишни канда қилмагин”, дейдиган онажонимга раҳмат айтаман.

Айни пайтда жойларда кўтаринкилик билан ўтказилаётган “Президент арчаси” тантаналарида ўн минг нафарга яқин болалар қатнашмоқдалар.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

*Воқеалар, янгиликлар, хабарлар*

● ПАХТАЧИ туманида бир миллион 186,3 минг АҚШ долларилик маблағ эвазига “Пласт продуктс оф Ориент” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда йилига қурилишда қўлланиладиган 30 минг тонна гипсокукун ва картон тайёрланади.

● **ҚЎРҒОНТЕПА туманида хорижий сармоя иштирокида ташкил этилган корхоналар сони 3 тага етди. Улар томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида 3 миллион 324 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди.**

● НАВОИЙ вилоятида Баркамол авлод йили муносабати билан “Энг яхши ёш журналист — 2010” кўрик-танлови уюштирилди. Якунда “Дўстлик байроғи” газетаси мухбири Руслан Сабуровга биринчи ўрин насиб этди.

● **ЖАРҚЎРҒОНда низом жамғармаси 500 минг АҚШ долларидан иборат “Бахтерия агроэкспорт” қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Ҳозир бу ерда кунига 5 тоннагача қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланмоқда.**

● ХОРАЗМ вилояти “Матлубот савдо” ҳудудий акциядорлик компанияси томонидан чекка қишлоқларда 10 та савдо шохобчаси ишга туширилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 284 миллион сўм сарфланди.

● **СИРДАРЁ. “Сайхун саломатлик сервис” хусусий корхонаси раҳбари Т. Раҳматов банкдан олган 25 миллион сўмлик кредити эвазига замонавий диагностика жиҳозлари сотиб олди. Натижада бу ерда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди.**

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

# ОБОДЛИК ВА ФАЙЗУ БАРАКА ШУКРОНАСИ

***Якунланаётган 2010 йил мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида улкан муваффақиятлар йили сифатида тарих саҳифаларидан жой олиши, шубҳасиз. Зотан, Баркамол авлод йилида изчил амалга оширилган ислоҳотлар натижасида республикамизда асрларга татигулик оламшумул ютуқлар қўлга киритилди. Бунга ҳар биримиз кундалик ҳаётимизда гувоҳ бўлиб турибмиз. Биз омадли ва баракали келган жорий йилда юртдошларимизнинг шахсий ҳаётида қандай ўзгаришлар юз бергани билан қизиқиб, уларнинг айримларига шундай савол билан мурожаат қилдик: 2010 йил ҳаётингизда қандай из қолдирди?***

**Мавлуда ТУРСУНОВА,**
**уй бекаси (Қарши шаҳри):**

— Бу йил оиламизда қувончли воқеа рўй берди. Мустақиллик байрами шодиёнаси кунларининг бирида невара кўриб, буви деган бахтга мушарраф бўлдим. Унга Миразимжон деб исм қўйдик. Янги меҳмон — ўғлимнинг тўнғич фарзанди, бизнинг бош неварамиз. Шунинг учун ҳам у бутун оиламиз учун жуда азиз ва ардоқлидир.

Неварамнинг пойқадами қутлуғ келгани рост бўлсин. Орқасидан ука-сингилларини етаклаб, ҳовлимизни шўх кулгига тўлдирсин. Тинч ва осойишта юртимизда ўсиб-улғайиб, эл-юртимиз корига ярайдиган фарзанд бўлиб вояга етсин.

**Ҳамидхон МЎЙДИНХЎЖАЕВ,**
**фермер (Косонсой тумани):**

— Жорий йил бизнинг “Чашмаи сафед” фермер хўжалигимиз учун омадли келди. Энг аввало, деҳқончиликда ҳар доимгидек мўл ҳосил етиштириб, белгиланган шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажардик, гўшт ва сут тайёрлаш, уни қайта ишлаш бўйича ҳам янги марраларга эришдик.

**Бизнинг интервью**

Шу билан бирга, якунланаётган йилда мамлакатимиз фермерлари орзу қиладиган олий ютуқни қўлга киритдик. Яъни “Ташаббус — 2010” республика кўрик-танловида ғолиб чиқиб, Президент совғаси соҳиби бўлдик. Буларнинг бари келгусида фаолиятимизни янада ривожлантириш, эл дастурхонини ноз-неъматлар билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшишга ундамоқда.

**Гулнора ТОШПЎЛАТОВА,**
**ўқитувчи (Нуробод тумани):**

— 2010 йилда Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” деган юксак унвон билан тақдирландим. Буни нафақат менинг, балки 26-умумтаълим мактабида фаолият кўрсатаётган касбдошларимнинг меҳнатига берилган олий баҳо сифатида қабул қилдик.

Яна бир қувончли воқеа мен таълим бераётган ўқувчилар фан олимпиадасида муносиб иштирок этиб, физика фани бўйича туман ва вилоят босқичларида фахрли ўринни қўлга киритишганидир. Шунингдек, ўқитувчилик касбини эгаллаган шогирдларимдан Акмал Ҳайдаров ва Салим Бердиқуловнинг иш фаолияти туман миқёсида юқори баҳоланди. Менимча, устоз учун шогирдларининг ютуғидан-да қувончли ва сурурли воқеа бўлмаса керак.

**Жаббор АЛИМУҲАММЕДОВ,**
**тадбиркор**
**(Қибрай тумани):**

— 2010 йилда энг катта орзуйим ушалди: кичик ишлаб чиқариш корхонаси — “Imkon Juice” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдик. Корхонамизга 229,5 миллион сўм маблағ эвазига хорижнинг замонавий технологик линиясини олиб келиб ўрнатдик. Натижада 20 нафарга яқин йигит-қиз иш билан таъминланиб, табиий шарбатлар, шунингдек, яхна чой ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Корхонанинг лойиҳавий қуввати соатига 8 минг литр маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган. Янги йилда ишлаб чиқариш ҳажмини ушбу кўрсаткичга етказиш, буюртмаларни ўз вақтида бажариш мақсадида жамоамиз ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаяпти.

**Адиба НИШОНОВА,**
**ёш мутахассис**
**(Наманган вилояти):**

— 2010 йилда вилоятимиз марказида “Баркамол авлод — порлоқ келажак” деб номланган йирик ёшлар спорт мажмуаси қуриб битказилди. Бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бутун умр ёдимда сақланиб қолади. Сабаби, мажмуанинг лойиҳаси, хусусан, унинг ички ва ташқи безакларини ишлаб чиқишда ёш мутахассис сифатида иштирок этдим. Дастлабки уринишларим устозларим, тажрибали бинокорлар томонидан муносиб баҳолангани касбимга бўлган қизиқишни оширди, эртанги кунга бўлган ишончимни мустаҳкамлади.

(Давоми 2-бетда).

# ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ



***Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, саноат корхоналарининг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани туфайли улар томонидан кўплаб янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, нафақат ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, балки корхоналарнинг экспорт салоҳиятини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.***

Маълумки, бугунги кунда республикамизда чарм, пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотларининг асосий қисми “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси таркибидаги элликдан зиёд корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг “2009 — 2012 йилларда чарм-пойабзал саноати корхоналарини модернизация қилиш ҳамда тайёр чарм товарлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ишлаб чиқилган дастурда 42 та лойиҳа бўйича саноат моллари ишлаб чиқариш ҳажмини 3, табиий чарм ҳамда пойабзал ишлаб чиқариш ҳажмини 4, шунингдек, чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 12 баробарга ошириш белгиланган эди. Шунга кўра, жорий йилда “Имано групп”, “Кентаврус”, “Косонсой ал-Азиз”, “AND-CHIN” сингари корхоналарда модернизациялаш тадбирлари олиб борилган бўлса, Фарғона вилоятида “Болажон орзуси”, “Сабо пойабзал”, Жиззах вилоятида “Жиззах элит”, “Престиж бери”, Андижон вилоятида “Андижон саноат ривожи” каби янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди. Натижада тизимда халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 130,8, тери тайёрлашда 120,8, чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 123,4, пойабзал ишлаб чиқаришда 148,1 ҳамда чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 148,9 фоизлик ўсишга эришилиши кутилмоқда. Энг муҳими, бу билан 600 дан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

**Ислоҳот**

Шу ўринда Сирдарё вилоятида ташкил этилган “Пенг Шинг” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси фаолияти хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Негаки, яқинда иш бошлаган мазкур корхонада тайёрланаётган қурилиш материаллари нафақат вилоят,

(Давоми 2-бетда).

## Бир рақам шарҳи

**«Кимошди» савдосида — наслдор қорамоллар**

***2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда “Кимошди” савдолари орқали шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига***

**21**

**минг бош наслдор қорамол сотилди.**

*Ўтган даврда чорвачиликни ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилган бундай чора-тадбирлар ана шу хўжалик юритувчи субъектларда чорва моллари наслини янада яхшилаш имконини берди.*

# ЎЗБЕКИСТОНДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

**«Pantheon-Assas Paris II» университети профессори Жак Бара**нинг таъкидлашича, бой тарихий ўтмишга, маданий ва маънавий меросга, иқтисодий, сайёҳлик ва инсон салоҳиятига эга бўлган бугунги Ўзбекистон мамлакатни модернизация қилиш ва демократик янгилаш йўлидан шахдам бориб, халқаро муносабатлар тизимида алоҳида ўрин тутган ҳолда, жадал суръатларда ривожланмоқда. Мураккаб ва беқарор геосиёсий муҳитга қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси Президент Ислом Каримов раҳнамолигида минтақада ўзининг мустақил ташқи сиёсатини юритмоқда. Ушбу сиёсат дунёнинг илғор давлатлари томонидан тан олиниб, юқори даражада эътироф этилаётир.

Экспертнинг фикр билдиришича, "Реаллик ва прагматизм Президент Ислом Каримов шахсининг ўзига хос хусусиятидир. Ўзбекистон раҳбари дунёнинг барча мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли мулоқот олиб бормоқда, юз бериши мумкин бўлган таҳдидларни ўз вақтида сезиб, уларнинг юзага келиш сабабларини ҳамда инқирозли вазиятдан чиқиш йўлларини аниқ ва равшан кўрмоқда. Шу йилнинг июнь ойида Қирғизистоннинг жанубида содир этилган нохуш воқеаларни ушбу фикрларнинг далили сифатида келтириш мумкин".

"Давлат раҳбарияти томонидан кўрилаётган амалий чора-тадбирлар мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, жамиятни янада демократлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва ҳуқуқий давлат барпо этишни кафолатлайди", деб ҳисоблайди Ж. Бара.

Мустақилликка эришганидан бошлаб, мамлакат жаҳон ҳамжамиятига фаол интеграциялашмоқда. Ўзбекистоннинг тадрижий тараққиёт борасида танлаган йўли барча соҳада ўз самарасини бераётир. "Ҳатто жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам Ўзбекистон салмоқли иқтисодий ўсишга эришган. Ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 9-10 фоиз миқдоридаги йиллик барқарор ўсиши халқ фаровонлиги тобора ошиб бораётганини кўрсатади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг 12 фоизга яқини таълим соҳасига ажратилмоқда. Зотан, Францияда ушбу кўрсаткич, бор-йўғи, 4 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимининг жадал ислоҳ қилиниши аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бориши билан уйғун тарзда кечаётгани, айниқса, қувонарлидир. Мамлакат 2008 йилдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиб, ривожланган давлатларнинг демократик қадриятларига қатъий содиқлигини намойиш этди.

**Франция География жамияти аъзоси, Янги тарих университети профессори д'Артуа Патрис де ла Кондамин**нинг таъкидлашича, анжуман туфайли мазкур жамият аъзолари Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти билан яқиндан танишиш, демократик ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнининг боришини баҳолаш имкониятига эга бўлишди.

Унинг фикрича, Ўзбекистон мамлакатнинг мустаҳкам ва барқарор ривожланишини, изчил иқтисодий ўсишни, давлатнинг халқаро майдонда кенг эътироф этилишини таъминлашга имкон берувчи ислоҳотлар сиёсатини тўғри олиб бораётгани боис халқаро экспертлар ва академик жамоатчилик эътиборига тушмоқда.

"Мен 2009 йилда Ўзбекистонга бориш шарафига муяссар бўлдим. Шуни айтишим жоизки, бой ва кўз қорачиғидек асраб-авайланаётган маданий меросга ҳамда ажойиб меҳмондўст халққа эга бўлган мамлакатингизга қилган ушбу сафарим менда ўчмас таассурот қолдирди", дея ўз сўзини якунлади профессор.

**Франция География жамияти аъзоси Элизабет Фортюи Лике** ижтимоий-иқтисодий тараққиёт сари тадрижий демократик йўлдан бораётган, бой тарих ва маданиятга эга бўлган ёш мустақил давлат сифатида муваффақиятли ривожланаётган Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётига нисбатан ўз қарашларини билдирди.

У "Менделеев даврий жадвали"даги деярли барча унсурларни топиш мумкин бўлган мамлакатимизнинг улкан иқтисодий, демографик, интеллектуал ва минерал хом ашё имкониятларини юқори баҳолади.

Э. Ликенинг фикрича, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президент Ислом Каримов томонидан пухта ишлаб чиқилган ислоҳотлар стратегияси Ўзбекистоннинг муваффақиятларини олдиндан белгилаб берди.

Эксперт, юқорида билдирган фикрларига хулоса қиларкан, бугунги Ўзбекистон — нафақат хорижлик сайёҳлар, балки сармоядорлару ишбилармонлар учун ҳам жуда қизиқарли ва жозибадор мамлакат эканини қайд этди.

**Европанинг Болалар озиқланиши ва ривожланиши масалалари билан шуғулланувчи тадқиқотлар уюшмаси президенти Зигмунт Островски**нинг мулоҳаза қилишича, Ғарб мамлакатлари билан қиёслаганда, Ўзбекистоннинг энг устун жиҳатларидан бири, бу — демографик омилдир. Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпроғини 25 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу эса, мамлакат ва миллат келажаги демакдир.

Шу ўринда эксперт Ўзбекистонда якунланаётган йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинишини ҳам аҳамиятга молик воқелик сифатида баҳолаб, мазкур йил доирасида мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш борасида мақсадли ёшлар сиёсати амалга оширилганини қайд этди.

У Ўзбекистонда таълим соҳасига йўналтирилган давлат харажатларининг миқдори дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларидаги кўрсаткичдан анча юқори эканига алоҳида урғу берди. Шунингдек, сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистонда замонавий лойиҳалар асосида минглаб академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактаблари қурилгани ва қайта таъмирланганини алоҳида таъкидлади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбариятининг бугунги кунда амалга ошираётган ёш авлодни қўллаб-қувватлаш сиёсати мамлакат келгуси тараққиётининг гарови эканининг яққол далолатидир.

Анжуман доирасида намойиш этилган "Ўзбекистонга хуш келибсиз" номли ҳужжатли фильм иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

**«Жаҳон» АА.**
Париж

# ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

***Тошкент шаҳар прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган «Халқаро терроризмга ва бошқа трансмиллий таҳдидларга қарши курашнинг долзарб масалалари» мавзуида конференция бўлиб ўтди.***

Конференция иштирокчилари мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистон мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъий ва изчил ҳаракат қилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Мустақиллик йилларида халқаро терроризмга, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига ва одам савдосига қарши кураш соҳасидаги давлат стратегиясини амалга ошириш учун кенг кўламли қонунчилик, норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди, зарур ташкилий инфратузилма яратилди.

«Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро терроризм, экстремизм, айирмачилик, наркобизнес ва одам савдоси хавфининг олдини олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган бошқа қонун ҳужжатлари ана шу мақсадга эришиш учун йўналтирилгандир.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви савдо ва маданий алоқалар учун янги имкониятлар очди, халқаро ҳаёт сифатини яхшилади. Шу билан бирга, у жиноий унсурлар томонидан трансмиллий жиноий ташкилотлар тузишга имкон бердики, бу, ўз навбатида, терроризм, диний экстремизм, одам савдоси ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи кўлами ошишига олиб келди. Бу эса жаҳон ҳамжамиятида жиддий хавотир уйғотмай иложи йўқ. Трансмиллий уюшган жиноятчилик, ўз табиатига кўра, демократияга ва жамиятдаги барқарорликка зарар етказади. Аксарият трансмиллий жиноий ташкилотларнинг фаолияти гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш, қурол-яроғ контрабандаси ва одам савдоси билан боғлиқ. БМТ мутахассисларининг баҳолашларига кўра, халқаро уюшган жиноий фаолиятдан олинган даромадлар йилига бир триллион ва ҳатто, бир ярим триллион долларга етмоқда.

Халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний айланишига ва одам савдосига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш давлат органларининг бу борадаги идоралараро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама халқаро ҳамкорлигини фаол ривожлантиришга имконият яратди. Мамлакатимиз тегишли халқаро ҳужжатларга қўшилди, жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳозирги кунда Ўзбекистон трансмиллий таҳдидларга қарши жуда фаол ва изчил кураш олиб бораётган мамлакатлардан бири, деб қаралмоқда.

Конференцияда сўзга чиққан сенаторлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита вакиллари минтақада хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш, халқаро терроризм, диний экстремизм, одам савдоси ва наркотрафикка қарши курашда ҳамкорлик қилиш масалаларида тегишли тузилмаларнинг умумий куч-ғайратларини янада бирлаштириш, янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ва аниқ натижаларга эришишга йўналтирилган ҳаракатларни мувофиқлаштиришни кучайтириш зарурлиги тўғрисида фикр билдирдилар. Шунингдек, трансмиллий таҳдидларга қарши курашнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, экстремистик ва террорчилик ташкилотларини молиялаштириш йўлакларини аниқлаш, уларни тугатиш масалалари юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат органлари ўртасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни кучайтириш зарурлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама якунлари бўйича халқаро терроризмга ва бошқа трансмиллий таҳдидларга қарши кураш борасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан жойларда ўтказилаётган комплекс чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Конференция ишида сенаторлар, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат бирлашмалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА).**



# ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

балки республикамизнинг бошқа ҳудудларига ҳам етказиб берилмоқда. 2011 йилнинг дастлабки чорагида бу ерда иккинчи линия ишга туширилгач, чарм ва пойабзал тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади. Бу дегани — корхонанинг имконияти янада кенгаяди.

Пойтахтимиздаги "Пойабзалчи" масъулияти чекланган жамиятида ҳам Хитойдан замонавий технология олиб келиб ўрнатилганидан сўнг иш унумдорлиги янада ортди. Жорий йилда жамиятда бир миллиард 748,3 миллион сўмлик, бошқача айтганда, 63 минг дона пойабзал ишлаб чиқарилгани шундан далолат беради.

— Корхонамиздаги ўзгаришлар нафақат ишчилар сони ва иш ҳажмини оширишга, балки маҳсулот сифатини яхшилашга ҳам хизмат қилмоқда, — дейди жамият раҳбари Мирмақсуд Миробидов. — Асосийси, зарур хом ашё — табиий чармни маҳаллий етиштирувчилардан олаётганимиз маҳсулотларимизнинг турдошларига нисбатан анча арзон бўлишини таъминлаяпти. Бундан ташқари, корхонамизда буюртмачиларнинг талабларига биноан, дизайн ёки шаклни яратиш имкони мавжудлиги харидорлар сафини янада кенгайтираётир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ишлаб чиқарувчилар учун яратилган имкониятy имтиёзлар уларни ташаббускорликка ундаб, янги марралар сари етакламоқда. Айтайлик, бундан ўн йил аввал "Ўзбекчармпойабзали" томонидан четга, умуман, маҳсулот сотилмаган эди. Жорий йилда эса тизим корхоналарига 15 миллион 250 минг АҚШ долларилик инвестиция жалб қилингани туфайли, экспорт ҳажми қарийб 12 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Президентимиз томонидан 2011 йилга "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб ном берилиши, шубҳасиз, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаради.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** "Пойабзалчи" корхонаси фаолиятидан лавҳалар.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.**

# ОБОДЛИК ВА ФАЙЗУ БАРАКА ШУКРОНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Қурбонбой МАДРЕЙИМОВ, фермер (Кегейли тумани):**

— Бу йил давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан "Қизил уй" массивида намунавий лойиҳалар асосида 20 та тураржой барпо этилди. Шулардан бири — тўрт хонали уй бизга насиб этди.

Янаям қувонарлиси, янги уйга кўчиб келгач, келин туширдик. Бу ерда яратилган шарт-шароитдан бутун оила аъзоларимиз хурсанд. Маҳалламизда ижтимоий соҳа объектлари, замонавий савдо дўконлари ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам бунёд этилгани барчага манзур бўлмоқда.

**Дилором ҲАЙДАРОВА, талаба (Жиззах вилояти):**

— Баркамол авлод йилида биз, ёшларга яратиб берилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, 2010 — 2011 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига сазовор бўлдим. Бу ҳаётимдаги энг катта муваффақият ва унутилмас воқеадир.

Жиззах давлат педагогика институтида таҳсил олаётган талабаларнинг бахтиёр вакили сифатида ана шу ишончни оқлашга, етук мутахассис бўлиб, жонажон Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида астойдил меҳнат қилишга интилиб яшайман.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Саид РАҲМОНОВ**
**ёзиб олди.**

## Яхши хабарлар

***Бундан икки йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган "Жондормегатекстиль сервис" масъулияти чекланган жамияти Бухоро вилоятидаги экспортчи корхоналар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллади.***

### Экспорт салоҳияти ортмоқда

Хусусан, ўтган йили корхона жамоаси 400 минг АҚШ долларилик момиқ сочиқларни хорижлик мижозларига етказиб берган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич бир миллион 200 минг АҚШ долларини ташкил этди. Айни пайтда киритилган 800 минг АҚШ долларилик сармоя ҳисобига корхона фаолияти кенгайтирилмоқда. Мазкур лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, бу ерда ишлайдиганлар сони 200 нафарга етади ҳамда экспорт салоҳияти янада ортади.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Конимех туманилик фермер Тоҳир Жамолов сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган технологик линияни ишга туширди.***

### Фермер корхона қурди

Бунинг учун "Микрокредитбанк"нинг 50 миллион сўмлик кредити ҳисобига хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди.

Ҳозир 14 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада дастлабки 29 миллион сўмлик беш турдаги сут маҳсулотлари тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилди. Эътиборлиси, хом ашё фермернинг ўз чорвачилик хўжалигидан чиқмоқда.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда Матбуот хизмати томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Қўмитанинг 2010 йилги иш фаолияти якунларига бағишланган ушбу тадбирда парламент қуйи палатасида аккредитациядан ўтган оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.***

Тадбир

Парламент қуйи палатаси қўмиталари фаолиятида илк бор ташкил этилган мазкур матбуот анжуманида дастлаб журналистларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг жорий йилда амалга оширган ишлари тўғрисида ахборот берилди. Таъкидландики, қўмита ўтган даврда иккита янги ҳамда битта амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар билан боғлиқ қонун лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиб, палата муҳокамасига киритди. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг жойлардаги ижроси ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тўққизта назорат-таҳлил тадбирлари, бешта давра суҳбати, учта конференция ва бешта семинар ўтказилди. Шунингдек, қўмитанинг парламент назорати, парламент сўрови ва парламент эшитувлари бўйича уюштирган йиғилишларида долзарб мавзулардаги масалалар муҳокама этилди. Масалан, автомобилсозлик соҳасининг бугунги ҳолатига бағишланган парламент эшитувида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг сифати, уларнинг эҳтиёт қисмларини маҳаллийлаштириш жараёнлари атрофлича таҳлил қилиниб, тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилганлиги эътиборга лойиқ.

Ўз навбатида, депутатлар қўмитанинг жорий йилдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастури доирасида амалга оширилганини таъкидладилар. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 27 январдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" ҳамда 2010 йил 12 ноябрдаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" деб номланган маърузаларида белгилаб берилган устувор вазифалар муҳим дастуриламал эканлиги алоҳида қайд этилди.

Матбуот анжумани якунида депутатлар журналистларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб бердилар. Бундай тадбирларнинг анъанавий тарзда ўтказиб борилиши, иштирокчилар таъкидлаганларидек, парламент фаолияти шаффофлигини таъминлайди, шу билан бирга, қўмиталар ва фракцияларда олиб борилаётган ишлар тўғрисида кенг жамоатчиликка ахборот етказишда муҳим аҳамият касб этади.

**Зиёда АШУРОВА.**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ САРИ

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустақил ва эркин ривожланишини таъминлаш, айни пайтда ушбу жамоат фондларини давлат ва жамият қурилишидаги долзарб масалаларни ҳал этишга кенг жалб қилиш, уларнинг инсонлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш учун хизмат қилишга қаратилган фаолиятини янада такомиллаштиришга оид масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Парламент комиссияси томонидан фонднинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси доирасида оммавий ахборот воситалари мустақиллигини ва эркинлигини таъминлаш мақсадида 2010 йилнинг сентябрь ойида эълон қилинган республика грант танловлари ғолиблари аниқланди. Мазкур танловга тўқсондан ортиқ лойиҳа тушди. Бу ўтган йилдагидан саксон фоиз кўпдир. Парламент комиссияси қарорига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан тақдим этилган, умумий ҳажми 360 миллион сўмликдан зиёд қирқдан ортиқ лойиҳа молиялаштириладиган бўлди.

Молиялаштириш учун қабул қилинган лойиҳалар мустақил босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ОАВнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий, сиёсий онгини ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадлари учун йўналтирилган.

Лойиҳаларда, шунингдек, миллий анъаналарга мос равишда, аҳоли дунёқараши, жамиятни ривожлантиришнинг кўп асрлик тажрибаси, жаҳон цивилизацияси эришган ютуқларига таянган ҳолда, босма ва электрон ОАВ материалларининг бадиий ва ғоявий савиясини ошириш кўзда тутилган.

Айни пайтда лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида журналистлар маҳорати ва фаоллигини кучайтиришга қаратилган ўқув семинарлари ва бошқа тадбирлар ташкил этилади.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2010 йилда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида беш марта республика грант танловлари эълон қилинди.

Улар, асосан, ёшлар онгига соғлом турмуш тарзини сингдириш, кичик ва оилавий бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик, касаначилик, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, экология масалалари, аёллар ва имконияти чекланган кишиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Жорий йилда грант танловларига мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги нодавлат нотижорат ташкилотларидан беш юздан зиёд лойиҳа тушди. Мамлакатимиз миқёсида 120 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига умумий миқдорда қарийб 1,1 миллиард сўмлик грантлар ажратилди.

Тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан тушган таклифларни чуқур ўрганиш асосида ҳудудлардаги аниқ ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш ва фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга йўналтирилган истиқболли, ижтимоий аҳамиятига эга дастур ва лойиҳаларни молиялаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги «Мамлакатни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир» маърузаларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, Парламент комиссиясининг 2011 йилги Ҳаракат дастурини тайёрлаш бўйича қарор қабул қилинди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА 2010 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ ОЙИДА ЎТКАЗИЛГАН ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР РЕСПУБЛИКА ГРАНТ ТАНЛОВИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

**Қорақалпоғистон Республикаси**

1. "Келажак овози" Ёшлар ташаббуслари маркази Қорақалпоғистон Республикаси бўлими.

**Андижон вилояти**

2. "Андижонномa" ва "Андижанская правда" газеталари таҳририяти.
3. "Келажак овози" ЁТМ Андижон вилояти бўлими.

**Бухоро вилояти**

4. "Istiqlol" телерадиокомпанияси.
5. "НРТ-Бухоро" радиоси.

**Жиззах вилояти**

6. "Келажак овози" ЁТМ Жиззах вилояти бўлими.

**Қашқадарё вилояти**

7. "Қарши телерадиокомпанияси" ижодий бирлашмаси.

**Навоий вилояти**

8. "Келажак овози" ЁТМ Навоий вилояти бўлими.

**Наманган вилояти**

9. "Шарқ телевидениеси" ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти.
10. "Келажак овози" ЁТМ Наманган вилояти бўлими.
11. "Дунё ва давр" газетаси таҳририяти.
12. "Ҳуқуқ оламида" ижтимоий-ҳуқуқий газетаси таҳририяти.

**Самарқанд вилояти**

13. "Самарқанд-СТВ" телевизион ижодий уюшмаси.
14. "Келажак овози" ЁТМ Самарқанд вилояти бўлими.
15. "Зарафшон" газетаси таҳририяти.

**Сирдарё вилояти**

16. "Ойдин йўл" газетаси таҳририяти.
17. "Давр ёшлари" газетаси таҳририяти.

**Сурхондарё вилояти**

18. "Сурхон ёшлари" газетаси таҳририяти.
19. "Келажак овози" ЁТМ Сурхондарё вилояти бўлими.

**Тошкент вилояти**

20. "Чирчиқ тонги" газетаси таҳририяти.

**Фарғона вилояти**

21. "Марғилон" телевидениеси.
22. "Фермер ва томорқачи" газетаси таҳририяти.
23. "Мулоқот" телекомпаниясининг "Қўқон" телеканали.
24. "Фарғона тонги" газетаси таҳририяти.
25. "Тоҳир Боғдод ТВ" телевидениеси.
26. Олтиариқ тумани "Давр овози" газетаси таҳририяти.

**Хоразм вилояти**

27. "Келажак овози" ЁТМ Хоразм вилояти бўлими.
28. "S-Iqbol" телевидениеси.

**Тошкент шаҳри**

29. "Ўзбекистон нодавлат телекомпаниялар телетармоғи".
30. "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази.
31. "Uzbekistan Today" ахборот агентлиги.
32. "Poytaxt infomedia".
33. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг "Жамият ва бошқарув" журнали.
34. "Iste'molchi" газетаси таҳририяти.
35. "Соғлом авлод" газетаси таҳририяти.
36. "Бизнес консультант" журнали таҳририяти.
37. Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
38. "Технологии и дизайн" журнали таҳририяти.
39. "Қадрият" газетаси таҳририяти.
40. "Мир здоровья и красоты" тиббий журнали таҳририяти.

# ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

***Тошкент ирригация ва мелиорация институтида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг парламентдаги фракцияси ҳамкорлигида семинар ташкил этилди.***

**Семинар**

Мамлакатимизнинг минтақада экологик хавфсизликни таъминлашдаги ролига бағишланган ушбу тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда мазкур олий ўқув юртининг ўқитувчи ва талабалари қатнашди.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг барқарор ривожланишида экологик хавфсизликни таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Шу боис юртимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб бу борада кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, экологик хавфсизлик муаммоси айни пайтда миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган.

Шулардан келиб чиқиб, тадбирда мамлакатимизда экологик хавфсизликка таҳдид солаётган ва эндиликда глобал муаммога айланган Орол фожиаси, уни бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатларни янада жонлантириш ҳамда бу борада бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида сўз юритилди.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, Оролнинг асосий манбаи бўлган Амударё ва Сирдарё ирмоқларида айрим давлатлар томонидан гидроиншоотлар барпо этишга киришилмоқда. Узоқни ўйламасдан амалга оширилаётган бундай ишлар шусиз ҳам чўлга айланиб бораётган Оролбўйида экологик вазиятни кескинлаштиради. Ўз навбатида, бу минтақадаги барча давлатлар, жумладан, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу боис ушбу вазиятда икки дарёнинг қуйи оқимида жойлашган давлатлар манфаатларини ҳисобга олмасдан иш кўраётган қўшни республикалар халқаро меъёрлар асосида фаолият юритишлари мақсадга мувофиқдир.

Йиғилишда иқтисодиётнинг турли соҳаларида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кучайтириш ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда энергия манбаларининг муқобили саналмиш қуёш энергиясидан фойдаланиб, электр энергияси ҳосил қилувчи курилмалар — фотоэлектр станциялар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Эндиликда соҳани ривожлантиришга хизмат қиладиган ҳуқуқий базани такомиллаштириш, уни тартибга соладиган ягона қонунни тайёрлаш долзарб вазифа ҳисобланади. Зеро, мутахассислар фикрига кўра, инсоният, эртами-кечми, энергиянинг муқобил турларини кенг кўламда қўллашга ўтади. Чунки ер ости захираларининг чекланганлиги, қолаверса, сайёрамиз иқлими тез суръатда ўзгариб бораётгани муқобил энергияга бўлган талабни оширмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, мавзуга оид масалалар юзасидан мутахассис ва олимларнинг маърузалари тингланди.

Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**З. ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Янги йил байрамини, айниқса, болажонлар интиқлик билан кутадилар. Беғубор олам вакиллари шундай пайтларда “Арча байрамига борамиз. Қорбобою Қорқизни кўрамиз. Шеърлар айтиб, улардан кўп совғалар оламиз” дея орзу қиладилар. Ота-оналар ҳам ўз фарзандлари қувончига шерик бўлишни яхши кўрадилар. Ва табиийки, ўғил-қизларига “Мана бунга ўзинг ёқтирган бирор нарса олгин”, дея пул ҳам тутқазадилар. Уларнинг бундай меҳрибонлигини тушуниш мумкин. Аммо бола барибир бола-да. Бир оз эътиборсизликка йўл қўйилса, дилхираликка сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Гап шундаки, ҳали кўп нарсани англаб етмайдиган айрим болажонлар ота-онанинг ҳимматидан фойдаланиб, “пақилдоқ оламиз”га тушиб қолишади.***

# ЎЙИНЧОҚДАН ЎТ ЧИҚМАСИН

**Эҳтиёт — шарт**

— Болалар бу каби буюмларнинг “ажойиб шовқини”, “чарсиллаб ёниб, учқун сачратиши”га учишади, — дейди пойтахтимиздаги 53-оилавий поликлиника шифокори Дилшод Мадаминов. — Ваҳолонки, пиротехника воситалари туфайли аянчли оқибатлар келиб чиқиши кўп бор кузатилган. Чунки уларнинг таркибида портловчи модда — порох мавжуд. Шундай экан, ўз фарзанди камолини ўйлаган ҳеч бир ота-она жигарбандига мана шундай хавфли ўйинчоқ билан ўйнашга рухсат бермаслиги лозим.

Пиротехника воситалари қўлланилганда, тана аъзолари куйиши ёки бундан-да аянчли ҳолат келиб чиқиши мумкин. Тарқаган тутун кўзнинг кўриш қобилиятини сусайтиради ва нафас олиш органларига зарар етказади. Қулоқни қоматга келтирувчи овози эса эшитиш органлари ҳамда асабга салбий таъсир қилади. Айниқса, юраги хаста, кекса кишилар ва ҳомиладор аёллар бундай нохуш ҳолатлардан азият чекадилар.

Юқорида пиротехника буюмлари таркибида ёнғин келтириб чиқариш хавфи бўлган модда, масалан, порох бўлишини айтиб ўтдик. Шунинг учун ҳам уларга нисбатан портловчи ва ёнғин хавфи бор моддалар, деган жумлани ишлатсак, хато бўлмас. Мутахассислар эса маиший пиротехника буюмларини хавфлилик даражасига қараб беш гуруҳга бўлишади. Биринчисига бино ичида ишлатиш мумкин бўлган пақилдоқ, бенгал шамлари, стол фавворалари киритилади. Уларни, табиийки, тез ёнувчи буюмлар олдида ишлатиш, айниқса, хатарлидир. Иккинчи гуруҳга петарда (кўп марта тез-тез портловчи мушак тури), фаввора, ер усти мушаклари киради. Учинчи турдагилар салют, ракета, фестиваль шарлари каби пиротехника буюмларидир. Уларнинг портлаш ёки зарар етказиш доираси 0,5 — 20 метр атрофида бўлади. Тўртинчи ва бешинчи гуруҳдаги пиротехника воситалари портлаш доираси бўйича энг катталари ҳисобланади. Шунинг учун улардан фақатгина профессионал мутахассисларга, шунда ҳам байрам, йирик тадбирлар пайтида фойдаланишга рухсат берилади.

***Пиротехника буюмлари кўнгилсизликларга сабаб бўлиши ҳақида мисоллар жуда кўп. Масалан, Пермь шаҳри (Россия)даги “Хромая лошадь” кафесида пиротехника воситаси туфайли келиб чиққан ёнғин натижасида 156 киши ҳаётдан кўз юмди, 64 киши жароҳатланди. Ушбу аянчли воқеада 400 киши айбдор деб топилди. Бундан ташқари, 2010 йилнинг 1 — 2 январь кунлари Москва шаҳрининг ўзида пақилловчи воситалардан нотўғри фойдалангани учун 17 киши, шу жумладан, 7 нафар бола жабрланган. Шу боис қатор мамлакатларда бу борадаги тартибни кучайтиришга эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳатто айрим жойларда цирк ҳамда театрларда олов ва портлаш билан боғлиқ саҳналарни намойиш этиш тақиқланди.***

Ёки бўлмаса, Буюк Британияда фуқаролар мушакларни ўрилмаган майса устида ҳамда шамолли об-ҳаво шароитида ишлатишлари тақиқланган. 18 ёшга тўлмаганларга энг оддий пақилдоқлар ҳам сотилмайди.

Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб давлатларда пиротехника буюмлари муомаласини лицензиялаш амалга оширилаётир. Бизда ҳам мазкур соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисида “Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун маъқулланиб, шу йил сентябрь ойида кучга кирди. Шу орқали пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказишга уринганлар жиддий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди. Яъни бунда нафақат ҳуқуқбузарлик ашёлари мусодара қилинади, балки маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари ҳам қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, 2010 йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда амалга оширилган тезкор чора-тадбирлар натижасида қарийб 145 млн. сўмлик пиротехника буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

— Пақилдоқ сотиб олиш, бу ташвиш орттириб олиш дегани, — дейди Паркент туманидаги Олмазор маҳалласида яшовчи Қундуз Эргашева. — Ундан кўра, болага байрам совғаси сифатида китоб, бирор бир спорт буюми, масалан, копток, шахмат доскаси, бежиримгина бадиий гимнастика либоси харид қилинса, яхши эмасми? Бу уларнинг дунёқараши кенгайишига, бўш вақти мазмунли ўтишига, оддий қилиб айтганда, қалбига эзгулик кириб боришига туртки бўлади.

— Гапингизга қўшиламан, — дейди бу фикрни қўллаб-қувватлаб Қибрай туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси Шоҳида Садриддинова. — Эшитишимча, айрим хориж шаҳарларида байрамни пиротехника воситалари шовқини, учқунлари билан нишонлашга маданият, замонавийлик белгиси, деб қараларкан. Ахир одамларнинг тинчини бузиш, ўзи ва атрофидагилар соғлиғи, асабига зарар етказиш қанақасига маданият белгиси бўлиши мумкин? Эзгуликни доимо ўзига одат қилган, бировга озор етказишни гуноҳ деб билган халқимиз учун бундай амаллар асло тўғри келмайди. Қаранг, юртимизда осойишта ҳаёт ҳукмрон. Тантаналарни хушкайфиятда ўтказишимиз учун барча шароит мавжуд. Берилган имкониятдан фойдаланиб, байрамни оила аъзоларимиз билан файзли дастурхон атрофида ўтказсак, Янги йилни яхши кайфиятда кутиб олсак, маъқул эмасми?

Дарҳақиқат, йилни қандай кайфият билан қарши олсанг, ана шу кайфият сенга йил бўйи ҳамроҳлик қилади, дейишади. Тилагимиз шуки, бугунгидек байрам шукуҳи 2011 йилда ҳам ҳар биримизга ҳамроҳ бўлсин.

**С. МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Избоскан туманидаги “Расулий” фермер хўжалиги жамоаси жорий йил бошида 220 миллион сўмлик маблағ эвазига чинни ва сопол буюмлар тайёрлайдиган янги цехни ишга туширган эди.***

## Янги линия ишга тушди

**Андижон томонларда**

Ҳозир бу ерда йилига 15 минг донагача сифатли уй-рўзғор буюмлари тайёрланмоқда.

Шу билан бирга, фермер хўжалиги жамоаси ўз фаолиятини янада кенгайтириб, сутни қайта ишлайдиган замонавий технологик линияни ҳам ишга туширди. Лойиҳа қиймати 100 миллион сўмлик ушбу мўъжаз корхонанинг 12 кишилик жамоаси ҳозиргача ички бозорга 50 миллион сўмлик сут маҳсулотларини етказиб берди.

## Тежамкор технология асосида

***Қўрғонтепа туманида “Агробанк”нинг 150 миллион сўмлик кредити ҳисобига ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Султонобод” корхонаси ташкил этилди.***

Тежамкор технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхонада йилига 10 миллион донагача сифатли деворбоп материаллар тайёрлаш имконияти мавжуд. Хусусан, “Султонобод”нинг 50 кишилик жамоаси бугунгача вилоятдаги қурилиш ташкилотларига 30 миллион сўмлик дастлабки маҳсулотини етказиб берди.

Туманда шу йилнинг ўтган даврида 24 миллиард 240 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқарилгани ҳам эътиборга лойиқдир.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




## «Ўзкимёсаноат»

давлат-акциядорлик компанияси

мамлакатимиз кимёгарлари
номидан Ўзбекистон халқини

Янги — 2011 йил

билан муборакбод
этиб, барчага
тинчлик-хотиржамлик,
бахт-саодат ва
мустаҳкам соғлик
тилайди!

Жонажон Ватанимизнинг
гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу
ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин,
азиз юртдошлар!

1321R/1790

## XALQ BANKI

давлат-тижорат
Халқ банки жамоаси
сиз, азиз ватандошларимизни

Янги — 2011 йил

— Кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорлик йили

билан қизғин қутлайди!

Сизларга соғлик-омонлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик ва кут-барака тилаб қоламиз. Банкимиз Янги – 2011 йилда хизмат турлари кўламини янада кенгайтирган холда, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлайверади.

**Халқ банки сармоялари — иқтисодиётимиз ривожи йўлида.**

2011

1343R/261

## «ЎЗМЕТКОМБИНАТ» ОАЖ

ЖАМОАСИ

Ўзбекистоннинг
кўп миллатли аҳолисини

Янги — 2011 йил

билан чин дилдан
самимий муборакбод
этади!

Барчангизга
сиҳат-саломатлик, бағрибутунлик,
эзгу тилакларингизнинг амалга ошишини тилаймиз.




Яқинда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида
**«The Financial Times»**
компаниясига қарашли,
1926 йил январдан чоп этила бошлаган
ғоят нуфузли махсус нашр —
**«The Banker» журнали томонидан**
ғолиб банкларни тақдирлаш бўйича
140 дан ортиқ етакчи банклар вакиллари
иштирокида ўтказилган 85-юбилей маросимида
**«Йилнинг энг яхши банки»**
номинацияси бўйича «Микрокредитбанк»

**«2010 йилда Ўзбекистон Республикасининг энг яхши банки»**

деб эълон қилинди.




Хизматлар лицензияланган.



IPOTEKA BANK

Ҳурматли юртдошлар!

«Ипотека-банк» жамоаси

сизни кириб келаётган
Янги – 2011 йил билан
самимий табриклайди!

Янги йил барчамизга бахт, омад,
қувонч, мустаҳкам соғлиқ,
тинчлик ва хотиржамлик келтирсин.

ЎзР МБнинг 74-сонли лицензияси

«METAL GAZ»
МЧЖ жамоаси

мамлакатимиз
халқини

Янги – 2011 йил –

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили
билан самимий муборакбод этади!

Ушбу йил оилангизга
шоду хуррамлик,
дастурхонингизга
қут-барака
олиб келсин!
Кўзлаган эзгу
мақсадларингизга
эришишингизда омад
ҳамиша ёр бўлсин!

Сизга хизмат кўрсатишдан мамнунмиз.

KALEON
компанияси

ўз обуначилари
ва ҳамкорларини

Янги – 2011 йил

билан самимий қутлайди!

Сизларга ва яқинларингизга мустаҳкам
соғлиқ, бахт-иқбол, хонадонингизга қут-барака,
жонажон Ватанимиз равнақи йўлидаги
барча интилиш ва меҳнатларингизда улкан
зафарлар тилаймиз!
Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ
барчангизга қувонч, омад ёр бўлиб, орзу-
умидларингиз амалга ошсин!

| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 709,1 ▼ -23,9 | УН биринчи нав 510,9 ▼-14,3 | УН иккинчи нав 466,3 ▼ -0,5 | ПАХТА ЁҒИ 1685,5 ▼ -22,3 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 192,8 ▲ +1,1 |
|---|---|---|---|---|---|





Бунёдкорлик

***"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиали Урганч шаҳар тармоғининг янги биноси фойдаланишга топширилди.***

## Хизмат турлари кенгайди

Шу мақсадда 40 миллион сўм сарфланди. Ҳозир ушбу алоқа бўлими шаҳарнинг 42 минг нафардан зиёд аҳолисига 7 турдан ортиқ почта хизматлари кўрсатмоқда. Шунингдек, алоқа бўлими янги бинога кўчиб ўтиши билан курьерлик, интернет ва электрон почта хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Театр

## Соғлом турмуш тарғиботига бағишланди

***Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали драма театри жамоаси Янги йил арафасида драматург Кенесбой Раҳмоновнинг "Ўғрини қароқчи урди" спектаклини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди.***

Ёшлар тарбияси, фарзандлар ва ота-оналар муносабати бош мавзу қилиб олинган ушбу асарда ўтган асрнинг 70 — 80-йилларидаги воқеа-ҳодисалар акс эттирилган.

Спектаклдаги бош ролларни театрнинг етакчи актёрлари Б. Узоқбергенов, М. Есимбетов, Ж. Соғиндиқова ва бошқалар талқин этишган.

Соғлом турмуш тарзи тарғиботига бағишланган мазкур саҳна асари томошабинни мушоҳадага ундаши, шубҳасиз.

**М. КАРИМОВА.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

## ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ

***Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бир неча босқичли ўқув-машғулот йиғинини якунлади. Кеча терма жамоамиз бош мураббийи Вадим Абрамов келгуси йилнинг 7 январь куни Қатарда бошланадиган Осиё кубогининг финал босқичида қатнашадиган 23 нафар футболчи номини маълум қилди.***

***Демак, Осиё кубогида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган футболчилар билан танишинг:***

**Дарвозабонлар:** Игнатий Нестеров ("Бунёдкор"), Мурод Зуҳуров ("Насаф"), Темур Жўраев ("Пахтакор"). **Ҳимоячилар:** Саҳоб Жўраев, Анзур Исмоилов, Виктор Карпенко ("Бунёдкор"), Ярослав Крушельницкий ("Шўртан"), Шавкат Муллажонов, Фаррух Нурлибоев ("Олмалиқ"), Азиз Ибрагимов ("Богемианс", Чехия). **Ярим ҳимоячилар:** Тимур Кападзе, Азиз Ҳайдаров ("Бунёдкор"), Станислав Андреев, Одил Аҳмедов ("Пахтакор"), Сервер Жепаров ("Сеул", Жанубий Корея), Санжар Турсунов ("Волга", Россия), Жасур Ҳасанов ("Лехвия", Қатар), Шавкат Саломов ("Насаф"), Марат Бикмаев ("Алания", Владикавказ), Вагиз Галиулин ("Сибирь", Россия). **Ҳужумчилар:** Олим Навкаров ("Қизилқум-олтин"), Александр Гейнрих ("Пахтакор"), Максим Шацких ("Арсенал", Киев).

**Н. НИЁЗОВ тайёрлади.**

## ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИГА — «МАТИЗ»

*Наманган вилояти спортчи ёшлари Баркамол авлод йилини катта муваффақиятлар билан якунлашаяпти. Янги йил байрами арафасида Наманган шаҳридаги "Ёшлар маркази"да республика ва халқаро миқёсдаги мусобақалар ғолиби бўлган бир қатор спортчиларни тақдирлаш маросими ўтказилди.*

Жумладан, вилоятда "Йилнинг энг яхши спортчиси" номига сазовор бўлган чарм қўлқоп устаси Аҳмаджон Мамажоновга "Матиз" автомобилининг калити топширилди. Боксчи мазкур мукофотга Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида олтин, Бокудаги халқаро биринчилик ва Сингапурдаги Ёшлар Олимпиадасида кумуш медални қўлга киритиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилганлиги учун сазовор бўлди. Гуанчжоудаги XVI Осиё ўйинларида сув полоси бўйича баҳсларда бронза медалини қўлга киритган Рамиля Холиқова, Аделина Зиннурова, Анастасия Сковкина эса телевизор билан тақдирланишди.

Бундан ташқари, спортнинг бошқа турлари бўйича намуна кўрсатган ёшлар, шунингдек, энг яхши болалар ва ўсмирлар мактаби, бир қатор тажрибали мураббийларга ҳам қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

компьютер техникаси (HP, DELL, FujitsuSiemens) етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади.



Танлов ўтказиш тартиби ҳақидаги маълумот ва танлов ҳужжатлари тўпламини қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-«А» уй.

Телефонлар: (8-371) 244-97-14, 244-97-46, 244-97-44. Ички телефонлар: 714, 746, 744. Факс: (8-371) 244-22-96.

Танлов таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.


Туҳфа

***Қумқўрғон туманидаги Янги шаҳар маҳалласида мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

## Мусиқа мактаби учун янги бино

"Жарқўрғонагромаштаъмирқурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунинг учун бир миллиард 402 миллион сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Молия муассасаларида

***Мамлакатимизда тўлов тизимининг ривожланишида банк пластик карточкалари алоҳида аҳамиятга эга. Чунки пластик карточкалар аҳолига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида тўлаш имкониятини берса, мижоз учун ундан фойдаланишда кўплаб қулайликларни яратади. Масалан, харид қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича тўловлар пластик карточка орқали ўз вақтида ва тезкор амалга оширилади. Энг муҳими, электрон ҳамён мутлақо хавфсиз бўлиб, йўқотиб қўйилган тақдирда ҳам, ундан бошқа киши фойдалана олмайди. Шу боис пластик карточкалар тобора оммалашиб бормоқда.***

**Пластик карточка:**

# ЗАМОНАВИЙ ВА ҚУЛАЙ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ

Республикамизда пластик карточкалар тизимини ривожлантириш бўйича бошқа молия муассасалари қаторида "Асака" давлат акциядорлик тижорат банки ҳам фаол иш олиб бормоқда. Мазкур банк 1999 йилнинг май ойидан бошлаб ўз сўм пластик карточкаларини муомалага чиқарган бўлиб, бугунги кунда унинг икки хил тури — дебет ва кредит карточкаларидан кенг фойдаланилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлаётир.




Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида "Асака" банкида пластик карточкалар тизимини ривожлантириш бўйича ишчи комиссияси тузилган. Унинг саъй-ҳаракатлари натижасида банкнинг Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги мижозлари бўлмиш 6216 та ташкилот ва корхонада ойлик иш ҳақларини пластик карточкалар орқали бериш тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, филиалларнинг жамғарма кассалари ва барча минибанкларида коммунал тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш имконини яратадиган 154 та терминал ўрнатилди.

**«Асака» банки тизимида тарқатилган пластик карточкалар, савдо терминаллари ва ўтказилган амалиётлар бўйича МАЪЛУМОТ**

| Йиллар | Пластик карточкалар сони (дона) | Ўрнатилган терминаллар сони (дона) | Банкда терминал ва банкоматлар орқали ўтказилган амалиётлар миқдори (млрд. сўмда) |
|---|---|---|---|
| 2007 | 224729 | 2130 | 77,6 |
| 2008 | 332531 | 2712 | 162,1 |
| 2009 | 465511 | 4650 | 307,7 |
| 01.12. 2010 | 626671 | 5380 | 446,3 |

"Асака" банки сўм пластик карточкаларини ривожлантириш билан бир қаторда, халқаро пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўйгани ўз самарасини бермоқда. Бундай тизим халқаро муносабатларда, айниқса, иқтисодиётнинг савдо, туризм ва бошқа йўналишларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, ўз навбатида, мамлакатимизга келган меҳмонларга жаҳон андозаларига мос равишда молиявий хизмат кўрсатиш, хорижий валюта кириб келишининг ошишига кўмак бераётгани бунинг тасдиғидир. Сабаби, бугунги кунда юртимизга ташриф буюраётган чет эллик меҳмонларнинг пластик карточкалар орқали харид ёки кўрсатилган хизматлар учун пул тўловларини амалга оширишларига барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Бугунги кунга келиб, "MasterCard" халқаро пластик карточкаси орқали хизмат кўрсатиш банкнинг 26 та филиалида тўлиқ жорий этилган. Бундан ташқари, хорижий меҳмонларга хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида айнан шундай пластик карточкаларига хизмат кўрсатувчи 120 та тўлов терминали ишлаб турибди. Шу туфайли 2009 йилда 81554 та халқаро пластик карточка орқали хизмат кўрсатилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 121685 тани ташкил қилаяпти.

Кўриниб турибдики, мазкур банк тизимида 2007 — 2010 йиллар давомида пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз тўловлар айланмаси 993,7 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2010 йилнинг 11 ойида бу кўрсаткич 446,3 млрд. сўмга етказилди. Бу ҳозирги пайтгача 626 мингтадан ортиқ пластик карточка муомалага чиқарилгани, банк ғазналарига, жамғарма ва коммунал тўловлар қабул қилувчи шохобчаларга, савдо ҳамда хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларга 5380 тадан зиёд терминал ўрнатилганининг самарасидир.

Шу билан бирга, ойлик иш ҳақи тўловлари пластик карточка орқали амалга ошириладиган корхона ва ташкилотлар сони тобора ортиб бораётгани қувонарлидир. 2010 йилнинг 11 ойида улар 743 тага кўпайиб, жами сони 6216 тага етди.

**«Асака» банки томонидан халқаро пластик карточкаларни муомалага чиқариш бўйича МАЪЛУМОТ**

| Йиллар | Карточкалар сони (дона) | Савдо терминали ва банкоматлар орқали ўтказилган амалиётлар миқдори (минг АҚШ долл.) |
|---|---|---|
| 2007 йил | 2713 | 21,9 |
| 2008 йил | 25045 | 274,7 |
| 2009 йил | 81554 | 381,7 |
| 01.12 2010 йил | 121685 | 306,5 |




Пластик карточкалар тизимининг барқарор ва мукаммал ривожланиши учун, табиийки, мамлакатда сервис тармоғи, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари томонидан узлуксиз равишда пластик карточка эгаларига харид қилиш ёки кўрсатилган хизматлар жараёнида чекловлар бўлмаслиги лозим. Бунга эришиш мақсадида давлатимиз томонидан изчил ислоҳотлар олиб борилаётир. Бу каби саъй-ҳаракатлар эса аҳолининг банкка бўлган ишончини оширмоқда. Энг асосийси, аҳолининг пластик карточкалар жаҳонда тан олинган замонавий тўлов воситаси эканлигини тушуниб етиши натижасида мазкур электрон ҳамён тобора оммавийлашиб, пул маблағлари банкдан ташқари айланишининг қисқаришига хизмат қилаяпти.

Пластик карточка эгаларига сифатли хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш мақсадида республикамиз бўйича банкнинг 26 та филиалида 35 та инфокиоск, шунча банкомат ўрнатилгани натижасида савдо ва сервис тармоқларида товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш тизими тобора кенгайиб, бундай корхоналар сони 5109 тани ташкил қилди.




Мухтасар қилиб айтганда, пластик карточкалар тизимини ривожлантириш орқали пул-кредит муносабатларида нақд пул муомаласи тартибга солиниб, аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш имконияти кенгаймоқда. Бу, ўз навбатида, умумдавлат харажатлари камайишига ва иқтисодиётимиз барқарор суръатларда ўсишига хизмат қилаётир. Шу боис "Асака" давлат акциядорлик тижорат банки жамоаси келгусида ҳам бу тизимни янада такомиллаштириш йўлида астойдил меҳнат қилаверади.

**Банк матбуот хизмати.** t

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 155,4 ▲ +0,1 | ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 144,7 ▼ -0,2 | АРМАТУРА 2049,6 ▼ -7,8 | ШИФЕР (1 лист) 12413 ▲ +87,0 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 37513 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тогаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 21.50
1 2 3 4 5